

49 - сонли ШАРТНОМА

Тошкент вилояти.

13 апрель 2022 йил

Шартноманинг ушбу проформаси олдиндан ҳисобланади, унинг шартлари буюртмачи томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлмаган қисмларда ўзгартирилиши мумкин.

“Konvension Markaz Majmuasi Direksiyasi” ДУК номидан Бўйрук асосида фаолият юритувчи, раҳбар А.Б.Таджиханов иштирокида бир томондан “БУЮРТМАЧИ” аталиб ва иккинчи томондан МЧЖ «ORDER MAX PROJEST» номидан устав асосида фаолият юритувчи раҳбари З. Алижонов иштирокида “БАЖАРУВЧИ” аталиб ушбу шартномани тузадилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. Ушбу шартнома буйича «Бажарувчи» ўз зиммасига «Буюртмачи»нинг буюртмасига биноан қуидаги ишларни (хизматларни) бажариш мажбуриятини олади: “Konvension Markaz Majmuasi Direksiyasi” ДУК “OLMOS” дам олиш маскани худудидаги ободонлаштириш ишлари лойиха смета хужжатларини ишлаб чикиш:

- Тапохарита-лоиха смета хужжатлари;
- лойиха иши;
- дизайн.

1.2. Материаллар З нусхада ва электрон шаклда тақдим этилиши керак.

1.3 «Буюртмачи» эса бажарилган ишлар (хизматлар) хақини мазкур шартномада кўрсатилган шартлар бўйича тўлашни ўз зиммасига олади.

II. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАРНИНГ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ.

2.1. Мазкур шартномага асосан ишларнинг бажарилиш муддати қуидагicha белгиланади: Шартнома икки томонлама имзолангандан кейин кучга киради.

2.2. «Буюртмачи» бажариладиган ишлар бўйича «Бажарувчи»га бажариладиган ишларни амалга ошириши учун талаб даражасида шароитлар яратиб беради.

2.3. «Бажарувчи» ва «Буюртмачи» ишлар тўлиқ бажарилгандан кейин 5 кун ичida ўзаро «Бажарилган ишлар далолатномаси»ни тузилиб, томонлар томонидан имзоланади.

III. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1. Мазкур шартномага асосан бажариладиган умумий иш хажми қуидаги суммани ташкил **28 000 000 (йигирма саккиз миллион) сўм**

3.2. Тўлов муддати: «Бажарувчи» томонидан «Бажарилган ишлар далолатномаси» тақдим этилиб, томонлар томонидан имзолангандан кейин 10(ўн) календар кун ичida.

3.3. Тўлов шакли «Бажарувчи»нинг хисоб ракамига пул кўчириш йули билан тўланади

IV. БАЖАРИЛАДИГАН ИШНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Шартнома буйича кўрсатилган хизматлар ишлари тугагандан кейин давлат назорат куригидан ўтказилади, бу тўғрида тасдиқловчи хужжат тақдим этилади ва

«Бажарилган ишлар далолатномаси» имзолангандан сўнг барча ишлар тугалланган хисобланади. (2.3)

4.2. Иш муддатидан олдин бажарилганда «Буюртмачи» ишни муддатидан олдин кабул қилиш ва келишилган нархда хақ тўлаш хуқуқига эга (2.1.)

4.3. «Буюртмачи» хақиқатда бажарилган ишни «Бажарилган ишлар далолатномаси» имзолангунча рад қилиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. «Бажарувчи» бажариладиган ишлар муддатини кечиктиргани учун хар бир кечикирилган кун учун «Буюртмачи»га умумий сумманинг 0,5% микдорида, лекин ушбу сумманинг 30% дан ошмайдиган микдорида тавон(пеня) тўлайди.

5.2. «Буюртмачи» томонидан бажарилган ишлар учун ўз муддатида хақ тўланмаса, хар бир кечикирилган кун учун «Бажарувчи»га умумий сумманинг 0,2% микдорида, лекин ушбу сумманинг 10% дан ошмайдиган микдорида тавон (пеня) тўлайди.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

6.1. Шартномада белгилangan мажбуриятларни бажаришга томонлар амалдаги қонунчиликка асосан жавобгардирлар .

6.2. Бажарувчи хизматларни тўлиқ ва сифатли тақдим этиши.

6.3. 10 кун ичida буюртмачининг илтимосига биноан, Агар хизматлар кўрсатиш жараёнида Бажарувчи томонидан шартнома шартларидан четга чиқишга йўл қўйган бўлса, аниqlangan барча камчиликларни тузатиш бепул.

6.4. «Буюртмачи» эса бажарилган ишлар (хизматлар) хақини топширди-кабул қилди далолатномаси имзолангандан сўнг 10 календар кун ичida тўлашни ўз зиммасига олади.

6.5. «Буюртмачи» хақли:

6.6. Исталган вактда «Бажарувчи» томонидан бажарилган ишларнинг бориши ва сифатини, унинг фаолиятига аралашмасдан текширга.

VII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

7.1. Томонларнинг хеч бири бошқа томон олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларини томонларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган холатлар, бунга кўшиб харбий харакатлар, ёнгин, сув босиши, зилзила ва бошқа табиий оғатлар каби бартараф этиб бўлмайдиган холат (куч)ларнинг мавжудлиги билан боғлик холда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.

7.2. Ўз мажбуриятларини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга юкоридаги 7.1 - бандида кўрсатилган холатлар таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон кадар тезда хабар бериши лозим.

VIII. НИЗОЛАРНИ АМАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлик холда пайдо бўладиган барча низолар ёки келишилмовчиликлар томонлар ўртасида музокара йули билан хал килинади.

8.2. Агар келишилмовчиликларни музокара йули билан хал қилиб бўлмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий судида қўрилишига тегишли бўлади.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Ушбу шартнома уни икки томонлама имзоланган қундан бошлаб кучга киради ва унинг амал қилиш муддати 31 декабрь 2022-йилгача. Агар томонлар томонидан ушбу шартноманинг шартлари бажарилмаса, унинг амал қилиш муддати томонлар томонидан ушбу шартноманинг шартлари тўлиқ бажарилгунча чузилади.

9.2. Ушбу шартнома икки нусхада тузилди, хар бир томонлар учун бир нусхадан.

X. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«Буюртмачи»

“Konvension Markaz Majmuasi
Direksiyasi” ДУК

Тошкент вил. Бўстонлик тумани Хумсон
МФЙ Угам кўчаси.

Х/Р: 20210000205129216001

МФО: 01037 ИНН: 306701816

Тошкент ш., АТБ "Қишлоқ ҚУРИЛИШ
БАНК" Бош Амалиётлар.

Тел.: 95-323-1010/99-353-0080

КҚС тўловчиси коди: 327030179437



Рахбар:

А.Б. Таджиханов

«Бажарувчи»

ООО "ORDER MAX PROJECT"

г. Ташкент, Алмазарский р-н,

ул. Дилсарой дом № 1 “Д”

тел: 97) 760-84-32

Р/с 2020 8000 9005 0223 6001

Банк: "Orient Finans"

Амалиёт бошқармаси,

МФО: 01071; ИНН: 303456062;

ОКЭД :71110; Код НДС: 326050108473.



Директор:

З. Алижонов